

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАТАМОВ ТОЛМАС ТУЛКИНОВИЧ

**ФОРЕЛ БАЛИҒИ ЖИГАРИ ЭКСТРАКТИНИ ҚЎЗИЛАР
ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ**

**16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиена ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Хатамов Толмас Тулкинович

Форел балиғи жигари экстрактини қўзилар организмига

таъсири..... 3

Хатамов Толмас Тулкинович

Влияние экстракта печени форели на организм ягнят.....

21

Khatamov Tolmas Tulkinovich

The effect of trout liver extract on the body of lambs.....

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАТАМОВ ТОЛМАС ТУЛКИНОВИЧ

**ФОРЕЛ БАЛИҒИ ЖИГАРИ ЭКСТРАКТИНИ ҚЎЗИЛАР
ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ**

**16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиена ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/V80 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Холиков Аброр Азамович ветеринария фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Ниёзов Хаким Бакоевич Ветеринария фанлари доктори, профессор Фармонов Сирожиддин Низомович ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «4» декабр соат «14⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14311 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2023 йил «20» ноябр кuni тарқатилди.
(2023 йил «20» ноябр даги № 2 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг экологик тоза ва сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳайвонларнинг турли хил патологиялари катта тўсиқлардан ҳисобланади. Шунингдек, ҳайвонларда табиий резистентлик ҳамда маҳсулдорлик ва пуштдорликнинг пасайиши, ёш ҳайвонларнинг ўсиш-ривожланишдан қолиши натижасида чорвачилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Ушбу муаммоларни самарали ҳал этишда импорт ўрнини босадиган, маҳаллий экологик жиҳатдан хавфсиз ветеринария дори воситалари, хусусан биопрепаратларни ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва жадал ривожлантиришга эҳтиёж ортмоқда. Тўқима препаратлари ҳайвонлар организмига мураккаб таъсир кўрсатиб метаболизмни стимуллайди, марказий асаб тизими фаолиятини тиклайди ҳамда улар иммунобиологик хусусиятлари, регенератив қобилияти ва патоген омилларга чидамлилигини ошириш хусусиятига эга¹. Шу боисдан сифатли ва арзон маҳаллий тўқима препаратларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш долзарб вазифалардан биридир.

Дунё ветеринария амалиётида биостимуляторларни ишлаб чиқариш, уларни ҳайвонлар организмига фармакологик таъсирини ўрганиш ҳамда маҳсулотларнинг сифатини ветеринария санитария жиҳатидан истеъмолга яроқлилигини баҳолаш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Биостимуляторлардан асосан ёш ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштириш ҳамда маҳсулдорлигини оширишда кенг миқёсда фойдаланилади. Бу борада ҳайвонлар организмида кузатиладиган турли юқумли ва юқумсиз ҳамда иммун тизими ва репродуктив органларда юзага келадиган патологиялар жараёнларни олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда чорвачиликни инновацион технологиялар асосида жадал ривожлантириш, юқори маҳсулдор ҳайвонлар бош сонини кўпайтириш бўйича бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳайвонларнинг турли касалликларини даволаш ва олдини олишда қўлланилаётган препаратлар сифати ва самарадорлиги бўйича кутилаётган натижани бермаётганлиги, соҳани барқарор ривожлантиришда арзон ва самарали фармакологик воситаларни ишлаб чиқишга эҳтиёжнинг юқори эканлигини кўрсатади. Бу борада маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган тўқима препаратларини ветеринария амалиётида қўллаш муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу препаратлар организмга ҳаётий жараёнларнинг кучли стимулятори сифатида таъсир этиб ҳайвонларда умумий резистентликни ошириш, моддалар алмашинуви даражасини яхшилаш ва маҳсулдорликни ошириши билан ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун тўқима препаратларини тайёрлаш, ҳайвонлар организмига таъсирини ўрганиш ҳамда қўллаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»²ги, 2017-йил 7-ноябрдаги ПФ-5229-сонли «Фармацевтика тармоғини

¹ Даричева Н.Н. Изготовление и применение тканевого препарата у животных. // Сб. всер. науч. - практ. конф., Уфа, 2006. - Стр. 16 -22.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»² ПФ-60-сонли фармони.

бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019-йил 10-апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021-йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018-йил 23-январдаги ПҚ-3489-сонли «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқима препаратларининг олиниши, таъсир хусусиятлари ҳамда қўлланилиши бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай тадқиқотлар хорижий муаллифлар хусусан, В.П.Филатов, М.П.Тушнов, А.В.Дорогов, Н.И.Краузе, Д.И.Голдбер, Н.С.Харченко, А.Г.Хорошина, Н.Ф.Гамалея, А.В.Озеров, В.П.Багинскас, А.И.Виноградов, Н.И.Шпак, Н.Н.Даричева, В.А.Ермолаевлар, Республикамиз олимлари Қ.Н.Норбоев, Б.Б.Бакиров, З.Нормуродова, Н.Б.Рўзикулов ва бошқалар маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган тўқима препаратларининг ҳайвонлар организмига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий манбалар маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Республикамизда маҳаллий хом ашёлардан тўқима препаратлари тайёрлаш технологияси ва уларни олиш манбалари етарлича илмий асосланмаган. Тўқима препаратларини кўзиларда қўллаш ва улар организмига таъсири илмий асосда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети «Фармакология ва токсикология» кафедрасида «Чорва моллари ва паррандалар иммун тизимини мустаҳкамловчи, касалликлардан ҳимояловчи ҳамда репродуктив фаоллиги ва маҳсулдорлигини оширувчи оддий хлорелла (*Chlorella vulgaris*) ўсимлигидан табиий доривор биологик фаол моддалар олиш технологиясини яратиш» мавзусидаги ПЗ-202012141 рақамли амалий лойиҳа ҳамда хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади форел балиғи жигари экстрактидан препарат тайёрлаш ва препаратни фармакопея талаблари бўйича синовлардан ўтказиш ҳамда кўзилар организмига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

форел балиғи жигари экстрактидан тўқима препарати тайёрлаш ҳамда ушбу

препаратнинг зарарсизлиги ва пирогенлик хусусиятини аниқлаш;
тўқима препарати қўлланилган қуёнлар гўшти сифатига ветеринария-санитария жихатидан баҳо бериш;

форел балиғи жигари экстрактини қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда организмнинг физиологик ҳолатларига таъсирини илмий асослаш;

форел балиғи жигари экстрактдан тайёрланган тўқима препаратини амалиётга тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг қўйчилик фермер хўжаликларидаги қўзилар, улардан олинган қон намуналари, форел балиғи жигари, иммунофор ва нуклеопептид препаратларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети қўзиларни клиник ва гематологик кўрсаткичлари, форел балиғи жигаридан тайёрланган тўқима препарати ва лаборатория ҳайвонлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотларни бажаришда клиник, морфологик, биокимёвий, патанатомик, органолептик, статистик, қиёсий таҳлил ва Филатов усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

форел балиғининг жигар экстрактдан тайёрланган «Биостимвет» тўқима препаратининг зарарсизлиги ва пирогенлик хусусияти аниқланган;

«Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнлар гўштининг сифати ветеринария-санитария жихатидан баҳоланган;

«Биостимвет» препаратини қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда физиологик кўрсаткичларига ижобий таъсири илмий асосланган;

«Биостимвет» тўқима препаратининг технологик йўриқномаси, ташкилот стандарти ва қўллаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

форел балиғи жигари экстрактдан «Биостимвет» препарати тайёрланган;

«Биостимвет» препаратини фармакологик хусусиятлари ўрганилиб, қўллаш миқдори ва усуллари ишлаб чиқилган;

«Биостимвет» препаратини қўзилар қонининг гематологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган;

«Биостимвет» препаратини қўзиларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланган;

форел балиғи жигаридан тайёрланган «Биостимвет» препарати Ветеринария дори воситалари, озучабоп қўшимчалар сифат ва муомаласини назорати бўйича давлат илмий маркази талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнига ташкилот стандарти ва технологик йўриқнома лойиҳаси ўрнатилган тартибда келишилди ҳамда 15583775-001:2022 рақами билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳнома (№ MGU 47302) олинган.

«Биостимвет» препаратини қўзилар ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, биокимёвий, морфологик усуллардан фойдаланиб бошланғич маълумотларга ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг тажриба маълумотлари билан

тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, форел балиғи жигари экстрактдан тайёрланган «Биостимвет» препаратини зарарсизлиги, пирогенлиги, қуёнлар гўшти сифатига ветеринария-санитария жиҳатидан яроқлилиги, клиник, гематологик текшириш натижалари ва кўзиларда қўллаш миқдорлари ҳамда тана вазни ва кунлик ўсишига ижобий таъсир этиши бўйича олинган маълумотлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, «Биостимвет» препаратини зарарсизлиги ва пирогенлигини лаборатория ҳайвонларида синовдан ўтказишни самарали усуллари ишлаб чиқилганлиги, кўзиларни ўсиш ва ривожланишини яхшилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Форел балиғи жигари экстрактини кўзилар организмга таъсири бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Форел балиғи жигари экстрактдан тайёрланган тўқима препаратига ташкилот стандарти ва технологик йўриқнома ишлаб чиқилган. Ушбу йўриқнома асосида «Биостимвет» тўқима препаратини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган. (Технологик йўриқнома Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифат ва муомаласини назорати бўйича давлат илмий маркази томонидан 2022 йил 20 июнда 15583775-001:2022 рақами билан рўйхатга олинган ва Интеллектуал мулк агентлиги томонидан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига доир №MGU 47302 рақамли гувоҳнома олинган). Натижада ташкилот стандарти ва технологик йўриқнома талаблари асосида «Биостимвет» препаратини ишлаб чиқаришга эришилган;

«Форел балиғи жигари экстрактини тайёрлаш ва унинг кўзилар организмга таъсири бўйича тавсиялар» тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 8 июндаги 02/23-148-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш натижасида кўзилар тана вазнининг назоратга нисбатан 560 граммга юқори бўлишига эришилган.

Форел балиғи жигаридан тайёрланган «Биостимвет» препаратини кўзилар организмга ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорлари аниқланиб, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Навоий вилоятининг Конимех, Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Каттакўрғон туманларидаги қўйчилик хўжаликларида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 8 июндаги 02/23-148-сон маълумотномаси). «Биостимвет» препаратини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, 1 бош кўзи ҳисобига 42000 сўмни, сарфланган 1 сўмга харажатлар қоплами 4,63 сўмни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 та республика илмий журналларида ва 3 та хорижий журналларда, 2 та халқаро конференцияларда, 5 та республика миқёсидаги конференцияларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома тайёрланган ҳамда Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига доир 1 та гувоҳнома (№ MGU 47302) олинган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўқима препаратларини тайёрлаш технологияси ва уларнинг ҳайвонлар организмга таъсирига оид адабиёт маълумотлари таҳлили**» деб номланган биринчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, «Тўқима препаратларининг фармакологик хусусиятлари» деб номланган биринчи қисмида тўқима препаратларини фармакологик таъсир хусусиятларига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Тўқима препаратларини тайёрлаш технологияси» деб номланган иккинчи қисмида олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили асосида тўқима препаратлари тайёрлаш учун хом ашё танлаш ҳамда препарат тайёрлашнинг бир неча усуллари тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «Тўқима препаратларидан фойдаланиш самарадорлиги» деб номланган учинчи бўлимида хориж ва Республикамиз олимлари томонидан тайёрланган тўқима препаратларида кенг кўламда фойдаланиб келингани ҳамда ижобий таъсир этувчи меъёр ва миқдорларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Текширишлар Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг «Фармакология ва токсикология» кафедраси, Каттакўрғон туманидаги «Med Star-O» хусусий клиникаси лабораторияларида ҳамда Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги «Олға», «Сахоба ота қоракўл насл» МЧЖ кўйчилик хўжаликларида қарашли 4-5 ойлик қоракўл кўзиларида ва Каттакўрғон туманидаги «Петрол агро бизнес» чорвачилик фермер хўжаликларида 10 та оқ сичқонларда, 35 бош хикол куёнларда, 100 бош 4-5 ойлик кўзилардан фойдаланилган ҳолда клиник, морфологик, биокимёвий,

патанатомик, органолептик, статистик, қиёсий таҳлил ва Филатов усулларида 2018-2022 йиллар давомида олиб борилган.

Диссертациянинг «**Форел балиғи жигаридан экстракт тайёрлаш ва уни баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида Форел балиғи жигаридан «Биостимвет» тўқима препаратини тайёрлаш, препаратини зарарсизлигини аниқлаш, препаратини пирогенлик хусусиятини аниқлаш усуллари ёритилган.

Хусусан ушбу бобнинг «Форел балиғи жигаридан биостимвет тўқима препаратини тайёрлаш» деб номланган биринчи бўлимида тўқима препаратини тайёрлаш технологияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Экстракт тайёрлаш учун В.П.Филатовнинг тўқима препаратлар тайёрлаш усули бўйича +2+4°C ҳароратда 3 кун давомида консервацияланган форел балиғи жигаридан фойдаланилди. Жигарни қондан тозалаш учун беш марта дистилланган сувда (ГОСТ 6709 бўйича) ювилди. Ҳар бир ювиш пайтида сув алмаштирилди. Ювилган жигар қайчи ёрдамида майда бўлакчаларга бўлинди ва қиймалагичда майдаланди. Олинган масса дистилланган сув билан 1:10 нисбатда суюлтирилди ва хона ҳароратида 1 соат қолдирилди, сўнгра сув ҳаммомида 80°C да қиздириб, шу ҳароратда 25-30 дақиқа қолдирилди. Тайёрланган форел балиғи жигари экстрактининг стериллигини аниқлаш ГОСТ 28085 талаби бўйича, зарарсизлиги ГОСТ 28085-2013 талаби бўйича аниқланди ва тайёрланган экстрактни «Биостимвет» деб номланди. Препарат Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифат ва муомаласини назорати бўйича давлат илмий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 ноябрдаги №-905-сонли «Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчалари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда ЎзДСт 1/6:2003 СТ. Меъёрий ҳужжатлар тузиш, баён этиш, расмийлаштириш, мазмуни ва белгиланишига қўйиладиган умумий талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнига ташкилот стандарти ва технологик йўриқнома лойиҳаси ўрнатилган тартибда келишилди ҳамда 15583775-001:2022 рақами билан рўйхатга олинди.

Диссертация учинчи бобининг «Биостимвет тўқима препаратини зарарсизлигини аниқлаш» деб номланган иккинчи бўлимда тўқима препаратини зарарсизлигини аниқлаш учун олиб борилган тажриба натижалари баён қилинган. Тажриба оғирлиги 19-21 г бўлган ҳар икки жинсдаги 10 бош соғлом оқ сичқонларда ўтказилди. Оқ сичқонлар синов ўтказишдан 24 соат олдин ва тажриба давомида ҳарорати доимий бўлган хонада сақланди. Оқ сичқонларни қафасидаги қолдиқ озиқа ва сув тарозида тортиш ва текшириш учун танлашдан 2 соат олдин олинди. «Биостимвет» препаратини ҳар бир оқ сичқонга 0,5 мл миқдорда тери остига юборилди. Назорат гуруҳига эса 0,5 мл миқдорда физиологик эритма юборилди. Оқ сичқонлар препарат қўлланилгандан бошлаб 14 кун давомида доимий кузатув остида бўлди. Бунда ҳайвонларнинг умумий ҳолати, хулқ-атвори, ташқи таассуротларга жавоб реакцияси, тана вазнининг ортиш динамикаси ҳисобга олинди.

Тажриба гуруҳи оқ сичқонларида назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, препарат киритилгандан сўнг, ҳаракатнинг биров сустрлашиши ва озикланишдан бош тортиш каби ҳолатлар қайд этилди. Дастлабки уч соат давомида улар қафас бурчакларида тўпланишди, аммо бу ҳолатлар 7-10 соатдан сўнг йўқолди ва биринчи куннинг охирига келиб меъёр ҳолатга қайтди.

«Биостимвет» тўқима препаратини қабул қилган оқ сичқонларнинг тана вазни ўзгаришлари динамикаси.

Гуруҳлар	Бош сони	Тана вазни (г)		Дастлабги вазндан фарқи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	(г)	(%)
Тажриба	5	20,5±0,73	23,6±0,52	3,1±0,37	15,12
Назорат	5	20,3±2,51	23,0±2,02	2,7±0,24	13,3

Эслатма: $P < 0,05$

Кейинги кунларда тадқиқотлардаги тажриба гуруҳи оқ сичқонларида ўлим ҳолати аниқланмади. Шу билан бирга ЎД_{50} ўртача ўлдирувчи миқдорини ҳам аниқлаб бўлмади. Тадқиқотларда 14 кун давомида оқ сичқонларнинг тана вазнининг ўзгаришлари 0,01 г аниқликда ўлчовчи аналитик тарози ёрдамида аниқланди. Назорат ва тажриба гуруҳлари ҳайвонларининг тирик вазни ортишида кескин фарқлар аниқланмади.

Тажрибаларнинг охирида синов олиб борилган оқ сичқонларда препарат юборилган жойни ва ички аъзоларга токсик таъсирини ўрганиш учун уларга диметил эфир билан наркоз қилинди ва ички органларни макроскопик текшириш мақсадида диагностик текшириш ўтказилди. Макроскопик кузатишларда тажриба ва назорат гуруҳи оқ сичқонлари ички аъзоларида ўзгаришлар аниқланмади ҳамда «Биостимвет» препаратини оқ сичқонлар тери остига 0,5 мл миқдорда бир мартаба юборилганда токсик таъсир кўрсатмади.

Форел балиғи жигаридан тайёрланган «Биостимвет» препарати (ГОСТ 12.1.007-76 га мувофиқ) иссиқ қонли ҳайвонларнинг танасига таъсир қилиш даражасига кўра, хавфлилик даражаси паст моддалар қаторига киради ва тавсия этилган миқдорларда токсик таъсир этмайди.


«Биостимвет тўқима препаратини пирогенлик хусусиятини аниқлаш» номли учинчи бўлимида форел балиғи жигаридан тайёрланган «Биостимвет» тўқима препаратини пирогенлик хусусиятини аниқланган. Препаратни пирогенлик хусусияти тўлиқ рационда боқилувчи, массаси 2,5-3 кг ҳар иккала жинсдаги соғлом, албинос бўлмаган қуёнларда аниқланди. Тадқиқотларни ўтказишда фармакопоя тартиб қоидалари ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази тавсиялари асосида олиб борилди.

Тажриба учун 10 бош қуён танлаб олинди. Ҳар бир қуён алоҳида катакларда сақланди. Тажрибадан олдинги уч кун давомида ҳар куни эрталаб озуқа бериш олдидан ҳароратни $\pm 0,1^{\circ}\text{C}$ гача аниқликда ўлчаш имконини берувчи ДТ-624 электротермометр ёрдамида ҳарорат ўлчанди.

Назорат гуруҳи қуёнларининг бошланғич тана ҳарорати $38,8 \pm 0,03$, тажриба қуёнларининг бошланғич тана ҳарорати эса $38,7 \pm 0,2$ оралиғида эканлигини кўрсатди. Белгиланган кўрсатмаларда ундан юқори ёки пастроқ ҳароратли ҳайвонлардан пирогенлигини аниқлашда фойдаланилмайди. Тажриба қуёнларида ҳарорат тебранишлари $+0,3^{\circ}\text{C}$ гача ўзгариши кузатилди.

Қуёнларда ҳарорат $+0,4^{\circ}\text{C}$ дан ортиқ даражага ўзгарганда, ҳайвонлар тажриба учун яроқсиз ҳисобланади. Ҳар бир қуён учун алоҳида игна олинди. «Биостимвет» тўқима препаратини 37°C ҳароратгача қиздирилди ва 1 кг қуён тирик вазнига 1 см^3

миқдорда қулоқ териси остига 2 дақиқа давомида юборилди. «Биостимвет» тўқима препаратини юборишдан олдин қуёнларни 30 дақиқа оралиғида 2 марта ҳарорати ўлчанди. Сўнги ўлчанган ҳарорат натижаси бошланғич кўрсаткич сифатида қабул қилинди ва препарат юборилган қуёнлар ҳарорати ҳар 15 дақиқада 1 соат давомида текшириб турилди.



1- расм. Қуёнларда «Биостимвет» тўқима препаратини пирогенлик хусусиятини аниқлаш (n=10)


«Биостимвет» тўқима препаратини пирогенлик хусусиятини аниқлаш мақсадида, қуёнларга белгиланган талаблар асосида юборилганда тажриба қуёнларида тана ҳарорати ўртача 0,3°C га ошганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Биостимвет» препаратини фармакологик самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалар» деб номланган тўртинчи бобининг «Қуёнларнинг ўсиш ва ривожланишига биостимвет препаратининг таъсири» номли бўлимида «Биостимвет» препаратини қуёнларнинг ўсиш-ривожланишига таъсири ўрганилган. Текширишлар учун жами 15 бош қуёнлар танлаб олинди ва уч гуруҳга ажратилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги қуёнларга «Биостимвет» препарати тери остига бир марта, иккинчи тажриба гуруҳи қуёнларига 72 соатлик оралик билан икки марта тирик вазнига 0,5 мл дан тери остига юборилди. Учинчи назорат гуруҳи қуёнларига эса 0,9% натрий хлорид эритмаси юборилди. «Биостимвет» препаратини қуёнларга қўллашдан олдин ва 3, 5, 10, 15, 20 ва 25 кундан кейин мунтазам равишда тарозида тортиш орқали тана вазнининг ўзгаришлари аниқлаб борилди.

Тажрибалар натижаларига кўра препарат қўлланилгандан 3 кун ўтгач, 2-тажриба гуруҳи қуёнларининг тирик вазни назорат гуруҳига нисбатан 32 гр ёки 1,48% га, 3-тажриба гуруҳида эса 33 гр ёки 1,52% га юқори бўлди. Тадқиқотнинг 5-кунда қуёнларнинг тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги тирик вазнидаги фарқ мос равишда ортиб борганлиги кузатилди. 2-тажриба гуруҳида назоратга нисбатан 51 гр ёки 2,31% га, 3-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 85 гр ёки 3,85% га ошганлиги кузатилди. Қуёнларни тарозида тортишнинг 10-кунда тирик вазнидаги сезиларли фарқ иккинчи гуруҳ қуёнларида қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича иккинчи гуруҳ қуёнлари назорат гуруҳи қуёнлардан мос равишда 198 гр ёки 8,67% га юқори

бўлди. Тадқиқотларнинг қолган давлари бўйича ҳам мос равишда икки марта «Биостимвет» препарати қўлланилган III-тажриба гуруҳи қуёнлари юқори кўрсаткичда эканлиги кузатилди.

Тажриба охирида барча гуруҳлардаги қуёнларнинг тирик вазнини ошиш тенденцияси кузатилди. Бироқ бир марта «Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнларнинг ўсиши 20 кундан кейин сезиларли равишда пасайган. Бу кўрсаткич мос равишда 25 кундан кейин ҳам кузатилди. Икки марта «Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнларнинг ўсиши 25 кундан кейин назоратга нисбатан 349 гр ёки 14,08% га юқори бўлган.



2-расм. Қуёнларнинг тирик вазнининг ўзгариши (%) ҳисобида

Тажриба натижаларига кўра, «Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнларнинг ўсиши назоратга нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди. Икки марта «Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнларнинг ўсиши 10-кундан бошлаб, назорат ҳайвонларига нисбатан сезилари равишда ошиб борди ва 25-кунга келиб 14,8% га юқори бўлди.

Ушбу бобнинг «Биостимвет препарати қўлланилган қуёнлар гўшти сифатига ветеринария-санитария жиҳатидан баҳо бериш» деб номланган бўлимида «Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнлар гўшти сифати ветеринария-санитария жиҳатидан баҳоланди. Тажриба учун 10 бош қуёнлар «ўхшаш жуфтликлар» асосида танлаб олинди. Танлаб олинган қуёнлар 5 бошдан икки гуруҳга назорат ва тажриба гуруҳларига ажратилди. Назорат гуруҳига препарат қўлланилмади, тажриба гуруҳдаги қуёнларга «Биостимвет» препарати 0,5 мл/кг миқдорда мускул орасига бир марта қўлланилди. Тадқиқотларимиз «Биостимвет» препарати қўлланилган тажриба қуёнларини сўйишдан кейинги олинган маҳсулотларнинг ветеринария-санитария экспертизаси «Ўзстандарт» талабларига мувофиқ олиб борилди.



Қуёнлар гўшти сифатини органолептик (гўшт маҳсулотлари қонининг чиқиб кетиши даражаси, мушак тўқимаси консистенцияси ва ранги, янги сўйилган гўшт хиди, қайнатилган гўшт ва бульони таъми) ва биокимёвий (рН, кислоталилик-оксидланиш коэффиценти, аминок-аммиакли азот миқдори, пероксидазага синамалар, фармол ва рангли-оксидловчи реакциялар) текширилди.

Тадқиқотларимиз давомида, «Биостимвет» препарати 0,5 мл/кг миқдорда мускул орасига бир марта қўлланилган тажриба қуёнлари ички аъзолари ҳамда гўшти 1 ҳафтадан сўнг органолептик текширганда уларда назоратдаги қуёнлар гўшtidан ажралиб турадиган фарқлар кузатилмади. Тана гўштининг ташқи ва ички юзасида шишлар ва бошқа патологик ўзгаришлар мавжудлигига эътибор қилган ҳолда органолептик текширилди. Қуёнлар тана гўштини текшириш уни ички ва ташқи томондан кўриш орқали олиб борилди. Бунда, танадаги ҳар хил дегенератив ўзгаришлар бор йўқлиги, ранги ҳамда бўйин, кўкрак, бел ва сон мускуллари кесиб кўрилди.

Тадқиқотларимизда қуёнлар танасининг кесилган жойи нотекис, ўраб турувчи мушак тўқимаси қон билан яхши инфилтрланган. Гўшт юзаси оч қизил рангли пўст ҳосил қилган, кесилган юзадаги мускуллар бир мунча нам, оч қизил рангда, таранг консистенцияда, қуён гўштига хос ҳид аниқланди. Тажриба ва назорат гуруҳи қуёнлари гўштини қайнатганда ташқи кўриниши, хиди, таъми ва консистенцияси бўйича баҳоланди ва бульони хуштаъм, мазали ва яхши ҳидга эга эканлиги аниқланди.

Гўштининг сифатига баҳо бериш мақсадида унинг физика-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш учун гўштининг рН муҳити аниқланди. Маълумки ҳайвон тириклигида тўқималараро водород ионларининг кўрсаткичи (рН) кучсиз ишқорий бўлиб, ҳайвон сўйилгандан кейин, гўшtdа етилиш жараёнининг бориши туфайли муҳит нисбатан кислотали томонга ўзгаради.

Тадқиқотларимиз давомида «Биостимвет» препарати қўлланилган қуёнлар гўштининг сифатини аниқлаш учун, назоратдаги қуёнлар гўштининг ҳам рН муҳитидаги ўзгаришлар аниқланди. Олинган намуналарда водород ионларининг миқдорини аниқлаш мақсадида ўтказилган текширишлар натижасида қуйидагилар аниқланди: назорат гуруҳидаги сўйилган қуёнлар гўшtidа водород ионининг концентрацияси (рН) ўртача 5,84 тажриба гуруҳидаги қуёнлар гўшtidа эса гўштни рН муҳити ўртача 5,98 эканлиги аниқланди.



3-расм. «Биостимвет» препарати қўлланилган тажриба қуёнлари ички аъзоларини органолептик текшириш

Тадқиқотларимиз давомида тажриба ва назорат гуруҳидаги қуёнлар гўшtidан тайёрланган сувли экстракт филтрдан ўтказилганда анча тиниқ ва тез оқиб ўтиши аниқланди. Тажриба ва назорат гуруҳи қуёнлари гўшtidан тайёрланган экстрактни

5% ли мис купороси эритмаси билан қўйилган реакцияда филтрат тиниқ, ҳеч қандай чўкмаларсиз эканлиги кузатилди.

«Биостимвет» препарати қўлланилган тажриба қуёнларида водород ионлари концентрацияси (рН) ўртача 5,98 чегарасида эканлиги аниқланди. Кислоталилик-оксидланиш коэффиценти - 0,43 ва ундан юқори, аминок-аммиак азоти миқдори эса - 1,13% дан ошмаган. Бундай маҳсулотларда пероксидаза ферменти борлигига ишора қиладиган бензидин синамаси барча ҳолларда ижобий, формол ва рангли-оксидловчи реакциялар кўрсатмалари манфий ва алоҳида ҳолларда шубҳали эканлиги аниқланди. Ушбу аниқланган кўрсаткичлар қуёнлар гўшт маҳсулотлари етилиши жараёни нормал кечишидан ва уларда оксиллар, аминокислоталар парчаланиши маҳсулотлари ва патоген микрофлора йўқлигидан далолат беради.

«Биостимвет» препаратини қўзиларда қўллаш миқдорини аниқлаш» номли бўлимда қўзиларда ўтказилган тажрибалар натижалари бўйича маълумотлар келтирилган. «Биостимвет» препаратини қўзиларда қўллаш миқдорини аниқлаш учун тажрибалар Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Петрол агро бизнес» чорвачилик фермер хўжалигида боқилаётган қўзиларда олиб борилди. Тажрибалар учун хўжалиқдан жами 20 бош 4-5 ойлик қўзилар танлаб олинди. Қўзилар 4 гуруҳга ажратилиб ҳар бир гуруҳда 5 бошдан қўзилар «ўхшаш жуфтликлар» асосида танлаб олинган ҳолда хўжалиқлар шароитида тажрибалар ўтказилди. Биринчи гуруҳ қўзиларига препаратини бир марта 0,1 мл/кг миқдорда, иккинчи гуруҳ қўзиларига 0,2 мл/кг миқдорда, учинчи гуруҳ қўзиларига 0,3 мл/кг миқдорда, тўртинчи гуруҳ қўзиларига 0,5 мл/кг миқдорда мускул орасига юборилди.

Тўқима препаратлари ҳайвонлар қон таркибига турли даражада таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда «Биостимвет» препаратини бир марта турли миқдорларда қўлланилган қўзилар қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларига таъсирини ўргандик. Тажриба давомида қўзилар қоннинг морфологик кўрсаткичлари ВЮВАСЕ ВК6190 гематологик анализатори ёрдамида ҳамда қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари эса ярим автомат Миндрай БА-88А анализатори ёрдамида аниқланди. Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Е.К.Меркурьева усули билан амалга оширилди.

Препарат қўлланилганда 20 кундан сўнг биринчи гуруҳ қўзилари қонида эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1,88 млн/мклга ёки 22,76% га, лейкоцитлар сони ўзгармаганлиги ва гемоглобинлар миқдори-10,96 г/л ёки 11,28% га, иккинчи гуруҳ қўзиларида эса эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан-2,02 млн/мклга ёки 22,9% га, лейкоцитлар сони 0,06 млн/мклга ёки 0,76% га, гемоглобинлар миқдори-2,52 г/л ёки 2,27% га кўпайганлиги, учинчи гуруҳ қўзиларида эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан - 0,02 млн/мклга ёки 0,22% га, лейкоцитлар сони 0,01 млн/мклга ёки 0,12% га ва гемоглобинлар миқдори 1,3% га кўпайганлиги ҳамда тўртинчи гуруҳ қўзиларида эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 0,04 млн/мклга ёки 0,43% га, лейкоцитлар сони 0,04 млн/мклга ёки 0,43% га ва гемоглобинлар миқдори - 2,98 г/л ёки 2,59% га камайганлиги аниқланди.

Тажриба қўзилари қон зардобидеги биокимёвий кўрсаткичларида сезиларли фарқлар препаратнинг миқдorigа боғлиқ ҳолда ўзгаришлар бўлганлиги аниқланди. Препарат қўлланилганда 20 кундан сўнг биринчи гуруҳ қўзилари қон зардобидеги умумий оксил миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 2,1 г/л ёки 3,26% га, альбуминлар миқдори 9,42% га кўпайганлиги ва глобулинлар миқдори 0,59% га

камайганлиги, иккинчи гуруҳ кўзиларида эса умумий оксил миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3,4 г/л ёки 5,12% га, альбуминлар миқдори 8,26% га ва глобулинлар миқдори 0,19% га кўпайганлиги, учинчи гуруҳ кўзиларида умумий оксил миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 0,3 г/л ёки 0,42% га, альбуминлар миқдори 1,82% га кўпайганлиги ва глобулинлар миқдори 0,08% га камайганлиги, ҳамда тўртинчи гуруҳ кўзиларида умумий оксил миқдори дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 0,1 г/л ёки 0,14% га, альбуминлар миқдори 1,27% га ва глобулинлар миқдори 0,16% га кўпайганлиги аниқланди.

«Биостимвет препаратини кўзилар клиник кўрсаткичларига таъсири» номли бўлимида «Биостимвет» препаратини кўзилар клиник кўрсаткичларига таъсири аниқланди. Тажрибаларимиз Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Петрол агро бизнес» чорвачилик фермер хўжалиги ҳамда Нуробод туманидаги «Сахоба ота қорақўл насл» МЧЖ хўжаликларида боқиладиган кўзиларида олиб борилди. Тажрибалар учун хўжаликлардан нисбатан заиф бўлган 20 бошдан жами 40 бош 4-5 ойлик кўзилар танлаб олинди. Кўзилар 4 гуруҳга, ҳар бир гуруҳда 5 бошдан кўзилар «ўхшаш жуфтликлар» асосида танлаб олинган ҳолда хўжаликлар шароитида тажрибалар ўтказилди.

Каттақўрғон туманидаги «Петрол агро бизнес» чорвачилик фермер хўжалигида олиб борилган тажрибалардаги назорат гуруҳга препарат қўлланилмади, биринчи тажриба гуруҳдаги кўзиларга иммунофор препарати 1 граммдан оғиз орқали берилди. Иккинчи тажриба гуруҳи кўзиларига нуклеопептид препаратидан 3 млдан уч кун давомида ва 15-кун мушак орасига юборилди. Учинчи тажриба гуруҳидаги кўзиларга «Биостимвет» препарати ҳафтасига бир марта 0,1 мл/кг миқдорда мускул орасига юборилди.

Назорат гуруҳидаги кўзиларни клиник кўрсаткичларни тажрибаларнинг бошда кўзиларни тана ҳарорати ўртача $39,4 \pm 0,04^{\circ}\text{C}$ ташкил этган бўлса, тажрибалар охирига келиб ўртача $39,1 \pm 0,02^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди $P < 0,01$. Бир дақиқадаги юрак уриши сони ўртача $139,6 \pm 5,5$ мартани ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб $135,4 \pm 4,6$ мартагача $P < 0,05$, 1 дақиқадаги нафас сони $60,6 \pm 2,6$ мартадан $58,8 \pm 2,6$ мартагача сийраклашиши қайд этилди $P < 0,05$.

